

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБАНОВА ДИЛРАБО ШЕРИПБАЕВНА

**ХОРАЗМ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР
МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Қурбанова Дилрабо Шерипбаевна

Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий
маданияти.....3

Қурбанова Дилрабо Шерипбаевна

Духовная культура Хорезмского оазиса в древности и раннем
средневековье.....23

Kurbanova Dilrabo Sheripbayevna

Spiritual culture of the Khorezm oasis in the ancient time and earli middle
ages.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБАНОВА ДИЛРАБО ШЕРИПБАЕВНА

**ХОРАЗМ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР
МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tar93. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонетлар:

Атаходжаев Азимхўжа Музаффарович
тарих фанлари доктори

Пардаев Мухторкул Ҳасанович
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Тар.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

А.А. Маврулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доц.

Г.А. Агзамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсониятнинг ривожланиш имкониятлари ортиб бораётган ҳозирги даврда, умумжаҳон маданий меросини сақлаш ва ўрганиш катта аҳамиятга эга. Инсоннинг яратувчанлик фаолияти натижасида юзага келган ва кўп асрлар мобайнида тараққий топган маънавий маданиятни асраб-авайлаш, бойитиш ва янги асосларда ривожлантириш ўз долзарблиги билан ажралиб туради. Шу боис маънавий маданият тарихи инсоният жамияти тарихининг энг муҳим масалаларидан биридир. Хоразм воҳасида цивилизациянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида маънавий маданият муҳим ўрин тутган. Унинг тарихий илдизларини билиш ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, аجدодларимиз маънавий маданияти тараққиётининг маъноси ва моҳиятини тушунишга имкон яратади.

Жаҳоннинг етакчи муассасаларида Марказий Осиёнинг турли тарихий-маданий вилоятлари сингари Хоразмнинг моддий ва маънавий маданияти тадқиқ этилмоқда. Бироқ, бу борада қадимги Хоразмда маънавий маданият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, этник ва сиёсий омиллари, воҳада амалий билимлар, илм-фан асослари, ёзув ва тасвирий санъатнинг тараққиёти жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган. Қадимги ва илк ўрта асрлар даври Хоразм маънавий маданияти тарихига оид монография ёхуд махсус тадқиқот ҳам яратилмаган. Мазкур мавзу турли монографияларнинг айрим бандларида ва алоҳида мақолаларда ёритилган, холос. Маънавий маданият билан боғлиқ илмий муаммоларни ўрганиш тарих фанининг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Бугун мамлакатимизда фан ва таълим соҳалари тараққиётини таъминлаш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш зарурати 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган¹. Бу борада илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида инновация хусусиятларига эга мавзулар бўйича илмий изланишларни ташкил этиш каби масалалар ўз аксини топган. Шу сабабли халқимизнинг маданий анъаналари ва кадриятларини ўрганиш жараёнида қадимги Хоразм маънавий маданияти тарихини янги илмий қарашлар ва ёндашувлар асосида тадқиқ этиш, шунингдек, долзарб илмий муаммоларни умумлаштирилган ҳолда хулосалар чиқариш катта аҳамиятга молик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори² ҳамда 2018 йил 16 январь Ф – 5181-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // <http://lex.uz/docs/3117025>.

«Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойишида³ белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш каби вазифаларни муайян даражада бажаришга тадқиқот хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразм тарихи ва маданияти ҳақидаги дастлабки маълумотлар «Авесто», қадимги форс битиклари, юнон ва хитой манбаларида ўз аксини топган. Турли тарихий-географик далиллар ўрта аср муаллифлари асарларида келтирилган. Улар орасида Абу Райҳон Берунийнинг машҳур асарида Хоразм воҳаси Шарқдаги маданият ўчоғи сифатида ёритилиб, унинг маънавий маданиятининг моҳияти илк бор очиб берилган⁴.

1863 йилда Ўрта Осиёга саёҳат қилган А.Вамберининг асарида Хива хонлигининг маданиятига оид ёритилган маълумотлар диққатга сазовордир⁵.

1873 йилда Россия империяси Хивани босиб олгандан сўнг, Хоразм воҳаси географияси, этнографияси ва тарихига оид материалларни йиғиш мақсадида махсус режа ишлаб чиқилган⁶ ва мазкур мавзу бўйича алоҳида нашрлар юзага келган⁷.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, Ғарбий Европада Хоразм тарихи ва маданиятининг айрим масалаларига бағишланган асарлар нашр қилинган (Э.Захау, В.Томашек, И.Маркварт)⁸.

XIX аср 70-йиллари – XX аср бошларида Россия тадқиқотчилари томонидан Хоразм воҳасининг исломга қадар бўлган маданият тарихининг

³ 2018 йил 16 январь Ф – 5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши // <http://lex.uz/docs/3506332>.

⁴ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т.I / Таржимон А.Расулов. – Тошкент: – 375 б.; Шунингдек қаранг: Булгаков С.Б. Жизнь и труды Беруни. – Ташкент: Фан, 1972. – 428 с.

⁵ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии // Перевод с английского. – СПб., 1865. – 221 с.; ўша муаллиф. Очерки Средней Азии. Дополнение к путешествию в Среднюю Азию. – М., 1868. – 362 с.

⁶ Вопросы, предлагаемые географическим обществом при исследовании Хивинского ханства... в географическом, этнографическом и культурно-историческом отношениях // Известия Русского географического общества. – СПб., 1873. Кн. IX. – С. 43-73.

⁷ Lerch P. Khiva oder Kharezm. Seine historischen und geographischen Verhältnisse. – Sankt-Peterburg, 1873 S. 447.; Кун А.Л. Культура низовьев Аму-дарьи // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1876. Вып. IV. – С. 237-257.; Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. От древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877. – С. II – III.

⁸ Sachau Ed. Zur Geschichte und chronologie von Khwarizm // Sitzungsberichte der philosophischen Classe der kais. Akademie der Wissenschaften. – Wien, 1873. – S. 473.; Tomaschek W. Chorasmia // Pauly's Real – Encyclopedie der klassischen Altertums wissenschaft. – Stuttgart, 1894. Bd. 3. – P. 2406.; Marquart I. Untersuchungen zur Geschichte von Eran. – Göttingen, 1896. – 258 s.

айрим жиҳатлари ўрганилган⁹.

1936-1937 йилларида Я.Ғ.Ғуломов экспедицияси Хоразмда илк бор зардуштийлик дафн маросимларига мансуб оссуарийларни топиб текширди¹⁰.

1937 йилдан бошлаб С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археологик – этнографик экспедициясининг тадқиқотлари натижасида Хоразм воҳаси маънавий маданияти тарихига оид мақолалар эълон қилинди¹¹. С.П.Толстов Хоразм маданиятини ўрганишда илк бор археология, этнография, тилшунослик ва тарихий фольклор маълумотларидан фойдаланган¹².

XX асрнинг 40-йиллари охирларидан 60-йиллари мобайнида, воҳадаги археологик кашфиётлар маънавий маданият тарихини ўрганишга янги имкониятлар яратган¹³. Ю.А.Рапопорт зардуштийлик дафн маросимларининг Хоразм воҳасида шаклланиши ҳамда ривожланиши хусусиятларини таҳлил қилган¹⁴. В.А.Лившиц томонидан ўқилган Хоразм ёзувлари маънавий маданият мавзусини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади¹⁵. Хоразм воҳаси маънавий маданиятини ўрганишда антик давр ва илк ўрта асрларга оид тангалардаги ёзувлар ҳамда тасвирлар катта аҳамият касб этган¹⁶.

XX асрнинг 60-70-йилларида Хоразм маънавий маданияти тарихи лавҳалари Н.М.Маллаев ҳамда Н.К.Норкуловнинг асарларида ўз ифодасини топди¹⁷.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида қадимги Хоразмнинг маънавий

⁹ Иванин М.И. Хива. – СПб., 1873. – 64 с.; Соболев Л. Письма об Аму-Дарьинской экспедиции // Русский инвалид. – СПб., 1874. № 213. – С. 250.; Каразин Н.Н. Сказка о женском ханстве // Древняя и новая Россия. – СПб., 1875. Т. III.; Каульбарс А.В. Низовья Амударьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. // Записки Русского географического общества. – СПб., 1881. Т. 9. – С. 31-32.; Россикова А.Е. По Амударье от Петро-Александровска до Нукуса // Русский Вестник, – СПб., 1902, август. – С. 641-643.; Герасимовский А.И. Древности Хивы и Амударьинского отдела // Исторический вестник. – СПб., 1909 (Вып. XVII, сентябрь). – С. 971-973.; Иностранцев К.А. О древнеиранских погребальных обычаях и постройках // Журнал Министерства Народного просвещения. – СПб., 1909. Новая серия. Вып. XX. – С. 95-121.; ўша муаллиф. О домусульманской культуре Хивинского оазиса. – СПб.: Сенатская типография, 1911. – С. 2 – 29.

¹⁰ Gulam Ya. Otmus izlari (Arxeologik teksirislari) // Guliston. – Toshkent, 1937. № 4. – В. 6.

¹¹ Толстов С.П. Хорезмский всадник // КСИИМК. – М., 1939. Вып. 1. – С. 7-9.; ўша муаллиф. К вопросу о протохорезмийской письменности // КСИИМК. – М., 1947. Вып. XV. – С. 38-42.

¹² Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. – 352 с.; ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М. – Л., 1948. – 328 с.

¹³ Толстов С.П. Археологические работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1951 г. // СА. – М., 1954. XIX. – С. 255-258.; ўша муаллиф. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 209-218.; ўша муаллиф. Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 204-212.; Кой-Крылган-кала – памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э. – IV в. н.э. // Тр. ХАЭЭ. – М., 1967. Т. V. – С. 173-215, 220-222; Рапопорт Ю.А. К вопросу о хорезмийских статуарных оссуариях // КСИЭ. – М., 1958. Вып. XXX. – С. 54-65.; ўша муаллиф. Кой-Крылган-кала как памятник погребального культа // Кой-Крылган-кала – памятник культуры древнего Хорезма. IV в. до н.э. – IV в.н.э. – М., 1967. – С. 227-251.; Воробьева М.Г. Ранние терракоты древнего Хорезма // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 135-147.; Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скобло М.С. Башнеобразные хорезмийские оссуарии (К вопросу о домусульманских мавзолеях в Средней Азии) // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 147-156.

¹⁴ Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма (оссуарии) // Тр.ХАЭЭ. – М., 1971. Т. VI. – 126 с.

¹⁵ Лившиц В.А. Хорезмийские надписи на оссуариях с некрополя Миздахкана. / В кн.: Ягодин В.Н., Ходжайов Т. Некрополь древнего Миздахкана. – Тошкент: Фан, 1970. – С. 247-252.

¹⁶ Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. – М.: Наука, 1977. – 194 с.

¹⁷ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 44-75.; Норкулов Н.М. Беруний ва Хоразм. – Тошкент: Фан, 1973. – 48 б.

маданияти тарихига оид маълумотлар доираси кенгайиб борди¹⁸. Тупроққалъа хужжатлари мазмунига бағишланган долзарб аҳамиятга эга тадқиқот чоп этилди¹⁹. Шунингдек, бу даврда маънавий маданият обидаларининг ўрганилиши натижалари бир қатор мақолаларда ўз аксини топган²⁰.

Этнография йўналишига оид Хоразм аҳолисининг тарихий ривоятлари ва афсоналарини ёзиб олиш ишларини Я.Ғ.Ғуломов бошлаб берган эди²¹.

Хоразм воҳаси маросимларида исломга қадар бўлган урф-одатларнинг баъзи жиҳатларининг сақланиши Ю.В.Кнорозов ва Н.П.Лобачеванинг мақолаларида кўриб чиқилган²². Замоनावий маросимларда эски эътиқодлар ва урф-одатларнинг излари масаласига оид материаллар Г.П.Снесарев томонидан кенг ўрганилган²³. Р.Л.Садоковнинг антик даври Хоразм мусиқа маданиятига бағишланган монографияси муҳим аҳамиятга эга²⁴. Тарихий ривоятлар ва этник тарихи муаммоларини ўрганишда Л.С.Толстованинг тадқиқотлари катта ўрин тутди²⁵. Мустақиллик йилларида Хоразм воҳаси қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти тарихига бағишланган тадқиқотларда илмий материалларни тизимлаштириш ва қиёсий таҳлил усули кенг ўрин топиб, турли фикрлар билдирилди²⁶.

XXI аср бошларида қадимги Хоразм маънавий маданияти тарихи бўйича тасвирий санъат, зардуштийлик дафн маросимлари ва оловга

¹⁸ Левина Л.М. Елхарас // Древности Южного Хорезма // Тр. ХАЭЭ. – М.:Наука, 1961. Т. XVI. – С. 80-140.; Мамбетуллаев М. Керамическая плитка с изображением фантастических животных из Хумбузтепе // ОНУ. – Ташкент, 1975. № 3.; Рапопорт Ю.А. Космогонический сюжет на хорезмийских сосудах // Средняя Азия в древности и средневековье. – М., Наука, 1977. – С. 58-71.; Лившиц В.А., Мамбетуллаев М.М. Острак из Хумбуз-тепе // Памятники истории и литературы Востока. – М., 1986. – С. 34-45.

¹⁹ Лившиц В.А. Документы. Топрак-кала. Дворец // Тр.ХАЭЭ. – М., 1984. Т. XIV. – С. 251-286.

²⁰ Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Следы почитания огня в средневековом хорезмском городе // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 105-112.; Воробьева М.Г. Хорезмские терракоты // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.:Наука, 1981. – С. 184-194.; Беленицкий А.М. Хорезмийский всадник – царь или бог? // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 213-218; Рапопорт Ю.А. Святилище во дворце на городище Калалы-гыр I // Прошлое Средней Азии. – Душанбе. 1987. – С. 140 – 148.

²¹ Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 31-33.

²² Кнорозов Ю.В. Мазар Шамун-наби (Некоторые пережитки домусульманских верований у народов Хорезмского оазиса) // СЭ. – М. 1949. № 2. – С. 86-98.; Лобачева Н.П. Свадебный обряд хорезмских узбеков // КСИЭ. – М., 1960. Т. 24. – С. 39-48.

²³ Снесарев Г.П. Материалы о первобытно-общинных пережитках в обычаях и обрядах узбеков Хорезма // МХЭ. – М., 1960. Вып. 4. – С. 134-145.; ўша муаллиф. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.; ўша муаллиф. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983. – 212 с.

²⁴ Садоков Р.Л. Музыкальная культура древнего Хорезма. – М.: Наука, 1970. – 140 с.

²⁵ Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья. – М.: Наука, 1970. – 246 с.; ўша муаллиф. Вопросы ранней этнической истории народов Приаралья. – Нукус: Каракалпакстан, 1984. – 128 с.

²⁶ Рапопорт Ю.А. Религии древнего Хорезма: Научн. доклад, представленный в качестве дисс...доктор. ист. наук. – М.: Институт этнологии и антропологии, 1991. – 44 с.; Вайнберг Б.И. Древнехорезмийские керамические рельефы из культового центра Калалы-гыр 2 (IV-II вв.) // Культура Востока: проблемы и памятники: Тезисы докл. конференции. – СПб, 1992. – С. 52-59.; Мамбетуллаев М. История и культура Южного Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в. до н.э. – IV в.н.э.): Автореф. дисс. ...доктор. ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз, 1994. – 62 с.; Камолова Р.С. Традиционные верования в семейно-бытовой обрядности каракалпаков: Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Нукус, 1996. – 24 с.; Массон В.М. Цивилизация древнего Хорезма (этапы и пути самоидентификации) // ИМКУ. – Самарканд, 1999. Вып. 30. – С. 88-95.; Неразик Е.Е. Хорезм в IV-VIII вв. // Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Средняя Азия в раннем средневековье. – М.: Наука, 1999. – С. 30-49.; Левина Л.М. Древнехорезмийский памятник – Елхарас. – М.: Институт этнологии и антропологии РАН, 2001. – 85 с.

сиғиниш одатларига оид манбалар бойитилди²⁷.

Қуйи Амударё илк ўрта асрлар тарихи ва маданиятига доир Е.Е.Неразикнинг монографияси муҳим аҳамият касб этади²⁸. А.А.Ҳакимов Хоразм маданияти ва санъатининг қадимдан VIII асрга қадар ривожланиши хусусиятларини кўриб чиқди²⁹.

И.М.Жабборов яратган асарларнинг илмий-маърифий моҳияти эътиборга молик³⁰. М.Мамбетуллаев, В.Н.Ягодин, В.В.Лунева, Ў.Абдуллаевларнинг мақолалари қадимги Хоразм санъатига бағишланди³¹. Тарихий ривоятлар, урф-одатлар ва маросимларга оид масалалар С.Х.Есбергенова, Ҳ.Абдуллаев, С.Рўзимов, Г.Эшчанова ва А.А.Аширов томонидан кўриб чиқилган³². Г.К.Машарипова Хоразмда математика ва астрономия фанларининг ривожланиши муаммосига доир айрим муҳим жиҳатларни очиб берди³³. Тошхирмон ва Қазақлиётган – Оқшахонқалъада ўрганилган қадимий ибодатхоналар ва бадий маданият намуналари хорижий нашрларда ҳам ўз аксини топган³⁴.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Хоразм Маъмур академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф1-ФА-0-17788-сонли «Хоразм урбанизацияси маданиятининг энг қадимги ва қадимги тарихи

²⁷ Беттс А.В., Ягодин В.Н. Раскопки Ташхырман – тепе // Археологические исследования в Узбекистане. 2000 г. – Самарканд, 2001. – С. 47-55.; Мамбетуллаев М., Турманов Ж., Юсупов О. Исследование на городище Токкала // Археологические исследования в Узбекистане. – Ташкент, 2001. – С. 96-100.; Болелов С.Б. Ритуальное захоронение на Хумбузтепа (Южный Хорезм) // ОНУ. – Тошкент, 2002. № 3-4. – С. 83-86.; Баратов С., Матрасулов Ш. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане. – Ташкент, 2003. Вып. 3. – С. 38-45.; Беттс А.В., Ягодин В.Н., Ходжаниязов Г.Х. Археологические изыскания в древнем Ташхырманском оазисе // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005. – Ташкент, 2006. – С. 55-64.

²⁸ Неразик Е.Е. Формирование раннесредневекового общества в низ-овьях Амударьи. – М.: Гриф и К., 2013. – 374 с.

²⁹ Хакимов А.А. Особенности развития культуры и искусства Хорезма с древности до VIII века // Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент, 2013. – С. 272-283.

³⁰ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти (этнотарихий лавҳалар) – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – Б. 96-140.; ўша муаллиф. Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани. –Т ошкент: “O‘zbekiston”, 2012. – Б. 10-124.

³¹ Мамбетуллаев М. Хоразмнинг сопол ҳайкалчалари // Санъат. – Тошкент, 2000. № 3. – Б. 4-6.; Ягодин В.В. Қорақалпоғистон санъатининг қадимий ёдгорликлари // Санъат. – Тошкент, 2003. № 2. – Б. 4-9.; Лунева В.В. О нагрудных украшениях эпохи античного Хорезма // ОНУ. – Ташкент, 2004. № 4. – С. 131-137.; Абдуллаев Ў. Тупроққалъа – Хоразмнинг сўнгги антик давр маданияти хазинаси // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2012. № 7. – Б. 18-20.

³² Есбергенова С.Х. Конь в верованиях народов Приаралья // ОНУ. – Ташкент, 1998. № 1. – С. 40-44.; Абдуллаев Ҳ. “Авесто” ва Хоразм воҳаси фольклори // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2001. № 3. – Б. 38-41.; Аширов А.А. “Авесто” ва зардуштийларнинг оила – турмуш маросимлари ҳақида // ЎИФ. – Тошкент, 2002. № 1. – Б. 49-53.; ўша муаллиф. Ўзбек халқи мотам маросимларида зардуштийлик излари // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2002. № 1. – Б. 65-71.; Рўзимбоев С., Эшчанова Г. Беруний ва фольклор. – Урганч, 2003. – 30 б.

³³ Машарипова Г.К. Хоразмлик алломаларнинг математика ва астрономия соҳасидаги илмий изланишлари. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 7-16.

³⁴ Helms S.W., Yagodin V.N. Excavations at Kazakliyatkan in Tashkirman Oasis of Ancient Chorasmia: A preliminary Report // Iran, 1997. Vol, 35. – P. 43-65.; Kidd F., Megus Cleary, M. Yagodin V.N., Betts A., Baker Brite E. Ancient Chorasmian Mural Art // Bulletin of the Asia Institute 2004. New Series. Vol. 18. – P. 69-95.; Betts A., Yagodin V.N. The K’irman – Tepe cult complex: an hyporthesis for the establishment of Fire temples in Ancient Chorasmia // Silk Road studies. Art, Architecture and Religion Along Silk Roads. – Tarnhout, 2008. Vol. XII. – P. 3-19.

(Жанубий Хоразмдаги археологик тадқиқотлар материаллари асосида)» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади археологик, ёзма ва этнографик манбалар асосида Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар (исломга қадар) маънавий маданияти тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қадимги Хоразмда маънавий маданият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, этник ва сиёсий омилларини очиб бериш;

қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданиятида тарихий анъаналар ва янгиликларнинг уйғунлиги масаласини аниқлаш;

қадимги Хоразм мисолида амалий билимларнинг динамикаси ва ёзувнинг аҳамиятини таҳлил этиш;

Хоразм воҳасининг бадиий маданият обидаларини тарихий гувоҳлик манба сифатида кўриб чиқиш;

Хоразм ва зардуштийлик муаммосини янги илмий маълумотларга таянган ҳолда таърифлаш ҳамда қадимги ва илк ўрта асрлар эътиқодларини археологик материаллар асосида очиб бериш;

исломга қадар бўлган эътиқодлар излари ва урф-одатларнинг анъаналарини этнографик жиҳатдан ўрганилиши масалаларини кўриб чиқиш ва умумлаштириш;

тарихий ривоятлар илдизлари ва тарихий воқелик ўзаро боғлиқлиги муаммосини таърифлаб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар даврига оид археологик ва этнографик материаллар, ёзма манбалар, илмий-тарихий адабиётлар маълумотлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти тарихи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий манбаларни умумлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, хронологик усул, мавзуга оид ёндашувлар ва илмий қарашларнинг танқидий таҳлили усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳаси қадимги ва илк ўрта асрлар даври маданияти ривожланишида ҳудуд аҳолисининг турмуш-тарзи билан боғлиқ мавжуд тарихий анъаналар ҳамда тотемизм, сеҳргарлик, табиий кучларга сиғиниш мазмунидаги маросимий-мифологик дунёқарашнинг ўзгариши ва ушбу факторларнинг уйғунлашуви маънавий маданиятнинг янги қиёфа ва сифат ўзгаришига олиб келганлиги аниқланган;

ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг ривожланиши жараёнидаги кашфиётлар ва ихтиролар ҳамда илмий билимлар динамикаси Хоразм маданияти мазмунини бойитишга хизмат қилиб, пировардида давлатчилик тизими компоненти сифатида бойитилишига асос бўлганлиги археологик, ёзма ҳамда этнографик манбалар асосида кўрсатиб берилган;

воҳанинг тасвирий санъат обидаларида ўз аксини топган табиат ва ҳаёт, инсон урф-одатлари, анъанавий турмуш тарзи, меҳнат фаолияти каби

мавзулар қадимги ва илк ўрта асрлар маданияти даражасини белгилаб берувчи тарихий манба сифатида асослаб берилган;

«Қирққиз» достони, «Ойсулув», «Тўрабек хоним» каби ривоятларда ҳамда Геродотнинг асарида «хорасмийлар» элатининг келиб чиқиши, қадимги форс подшоси Кир II ва малика Тўмарис уруши, массагетларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, қурол-аслаҳалари, ижтимоий тизими ҳамда хоразмликларнинг хўжалиги, ички ва ташқи алоқалари масалаларини ёритишдаги илмий аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти тарихига доир маълумотлар илк бор умумлаштирилган;

янги илмий қарашлар ва ёндашувлар асосида мавзуга оид долзарб муаммолар кўриб чиқилиб, илмий хулосалар чиқарилган;

маънавий меросни юксалтириш, маънавий маданият ютуқларини кенг тарғиб қилиш ҳамда муҳим илмий, ўқув-тарбиявий мақсадлар билан боғлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тарихий жараёнларни асл манбалар, янги услубий ва назарий ёндашувларга таянган ҳолда ҳаққоний ўрганиш, тарихийлик ва ҳолислик тамойилларининг қўлланилиши, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти фанлараро соҳаларидаги (археология, манбашунослик, этнология) янгича ёндашувларни яратиш, тарих фанида инновацион жараёнларни янада ривожлантириш, маънавий маданияти тарихига оид таҳлил ва умумлаштирилган услубларни такомиллаштиришга имкон беришда кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациядаги маълумотлардан маънавий кадриятлар ва маданий меросни тадқиқ этишда, уларни асраш, янги асосларда ривожлантириш ва бойитиб боришга қаратилган давлат дастурларининг бажарилишда, Ўзбекистон маданият тарихини ўрганиш ва ёритишда ҳамда ўрта махсус ва олий таълим муассасаларидаги маданият тарихи бўйича янги авлод ўқув адабиётларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

маънавий маданиятнинг тарихий аҳамияти, тасвирий санъат намуналарининг эътиқод ва диний функциялари, табиат ва ҳаёт мавзуларига оид вазифалари, уларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, исломга қадар бўлган эътиқодлар излари, ривоятлар илдизлари ва тарихий воқелик муаммоси ҳақидаги илмий хулосалардан Хива «Ичан-Қалъа» Давлат музей кўриқхонаси «Қадимги Хоразм маданияти тарихи» экспозициясини бойитишда фойдаланилган. (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 01-11-08-4078-сон маълумотномаси). Натижада, Хива «Ичан-

Қалъа» Давлат музей кўриқхонаси, жумладан, «Амалий санъат», «Хунармандчилик», «Қадимги Хоразм маданияти тарихи» бўлимлари экспонатларини каталоглаштириш ҳамда сайёҳларга экскурсиялар ўтказишда фойдаланилган. Улар маънавий маданият тарихини кенг тарғиб этишга, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади;

қадимги ва илк ўрта асрлар даври Хоразм маънавий маданиятининг тарихий тараққиёти хусусиятлари, бу жараёнга таъсир кўрсатган асосий ички ва ташқи омиллар, Хоразм воҳасининг бадиий маданияти, турмуш тарзи, аҳолининг эътиқодлари ва диний қарашлари тўғрисидаги маълумотлар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академиясида давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2012-2016 йилларда бажарилган «Хоразм тарихи, I-II жилд. (I-жилд. Энг қадимги даврлардан V асргача. II-жилд. V-XV асрлар») мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 19 июндаги № 311255-1625-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро конференция: «Материалы международной научно-практической конференции «Казахстанский путь 2050» и историческая наука: достижения и перспективы» в рамках «Нурпейсовских чтений», посвященной 70-летию Казахского государственного женского педагогического университета» (Алмата, 2014); «Science and Education». Materials of the X international research and practice conference. Vol. I. (Germany. 2015) ва 13 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва шартли қисқартмалар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 141 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганганлик даражаси очиқ берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қадимги Хоразм маънавий**

маданиятининг тарихий тараққиёти хусусиятлари» деб номланган. Унинг «*Маънавий маданият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, этник ва сиёсий омиллари*» сарлавҳасидаги биринчи бандида воҳада маънавиятнинг тараққиёт омиллари масаласи кўриб чиқилган.

Диссертацияда Хоразм воҳасининг қадимги давр ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти босқичма-босқич турли омиллар асосида тараққий этганлиги таҳлил қилинган. Ибтидоий жамият даврида иқтисодий ва ижтимоий омиллар инсоннинг турмуш тарзи ва дунёқарашларини белгилаб берган. Амалий кўникмалар ҳамда ҳаёлий, мифологик (асотирли) тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳаётий зарур машғулотлар, ички ва ташқи ижтимоий алоқалар, ўраб олган муҳит ҳақидаги тўпланган билимларга ва табиатда рўй берган ҳодисалар сабабларининг аниқлаш заруриятига асосланган. Мифологик дунёқарашдан ибтидоий эътиқодлар келиб чиққан. Археологик маълумотлар неолит даврида Хоразм воҳасида оловга сиғиниш³⁵, бронза даврида – тотемизм ва ҳосилдорлик эътиқодларининг вужудга келишидан далолат беради³⁶.

Тадқиқотда қадимги давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти тараққиёти даврларда, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мураккаблашиб, маънавий маданият ривожиди таъсир кўрсатувчи омил сифатида дин, этник ва сиёсий жараёнлар катта ўрин эгаллаб олиши ҳолати қайд этиб ўтилган. Хўжалик ва ҳунармандчилик соҳалари, иқтисодий фаолиятининг янги шакллари, билимлар ва тажрибанинг ўсиб бориши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар, ташқи алоқаларнинг кенгайиши, моддий ва маънавий маданият мазмунини бойитиш учун асос бўлиб хизмат қилган³⁷. Бу борада мил. авв. V-IV асрларда воҳада оромий ёзувининг тарқалиши³⁸, «Авесто» йил ҳисоби ва тақвимига асосланган қуёш тақвимида фойдаланишнинг бошланишини қайд этиб ўтиш лозим³⁹. Антик даврида Хоразмда йирик марказий ибодатхоналар пайдо бўлган. Уларнинг айримлари Қуёш, самовий жисмлар ҳаракат қилишларини кузатиб турадиган махсус иншоот-расадхоналар вазифасини бажарган⁴⁰.

Диссертацияда Хоразм воҳасида математика, геометрия ва астрономияга оид билимларнинг вужудга келиши ва ривожланиши омиллари, шаҳарсозлик маданияти, бинокорлик ва меъморчилик, ҳунармандчилик соҳалари, деҳқончилик хўжалиги ва савдо-сотиқнинг тараққий этиши билан боғланган.

Тадқиқотнинг «*Қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданиятида*

³⁵ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 78.

³⁶ Итина М.А. Женская статуэтка эпохи ранней бронзы из Хорезма // КСИЭ. – М., 1958. Вып. XXX. – С. 23. рис. 1,2.

³⁷ Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гьр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. – М., 1977. №2. – С. 150-155.

³⁸ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 217-221.

³⁹ Лившиц В.А. “Зороастрийский” календарь // В кн.: Бикерман Э. Хронология древнего мира. – М., 1975. – С. 320-332.

⁴⁰ Кой-Крылган-кала-памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э. – IV в. н.э. // Тр.ХАЭЭ. – М., 1967. Т. V. – С. 251-264.; Калалы-Гьр 2. Культурый центр в древнем Хорезме IV – II вв. до н.э. / Отв. ред. Б.И.Вайнберг. – М.: Вост. лит., 2004. – 286 с.; Мамбетуллаев М. Исследование храмового комплекса Большая Айбуйиркала//Археология Узбекистана. – Ташкент, 2011. – С. 52-61.

тарихий анъаналар ва янгиликларнинг уйғунлиги муаммоси» деб номланган иккинчи қисмида маданият ривожланишида анъаналар ва янгиликларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири масаласи кўриб чиқилган.

Бронза даври Хоразм воҳасида чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида аввалги ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган уруғчилик жамоалари маданиятига нисбатан турли маданий янгиликлар намоён бўлган. Воҳада урф-одатлар ва эътиқодлардаги ўзгаришлар ҳақида энг қадимги тасвирий санъат намуналари (ит, от ва аёл ҳайкалчалари) ҳамда дафн маросимлари дарак беради⁴¹.

Мил. авв. VII-VI асрларда Қуйи Амударёнинг сўл соҳил ерларига Шарқий Оролбўйи худудларидан сакларнинг кўчиб келиши натижасида воҳада янги маданий анъаналар тарқалиб, улар эътиқодларда, дафн маросимларида ва тасвирий санъатда ўз аксини топган⁴².

Мил. авв. V-IV асрлар чегарасидан бошлаб, Хоразм маданиятининг мазмуни ва кифоаси тубдан ўзгаради. Диссертацияда Хоразм воҳаси антик даври маънавий маданиятидаги янгиликлар (инновациялар) хусусиятлари турли илмий адабиётларда ўз аксини топган археологик маълумотлар асосида очиқ берилган⁴³. Улар тасвирий санъат обидалари, қадимий хоразмликларнинг дунёқарашлари ва асотир-мифологик манзараларни акс этган деворий рангли суратлар, сопол буюмларнинг сиртидаги бўртма тасвирлар ҳамда сопол, ёғоч, чармда битилган Хоразм ёзуви намуналаридир.

Диссертацияда илк ўрта асрларда (V-VII асрлар) антик даврга нисбатан ҳайкалли оссуарийлар ва сопол ниқоблардан фойдаланиш анъаналари ҳамда деворий рангли суратлар ва лой-ганч ҳайкалтарошликнинг дастлабки аҳамияти йўқолиши аниқланган. Мисол тариқасида, Хоразм археологик экспедицияси тадқиқотлари натижасида, воҳада 400 га яқин антик даври терракоталари топилган. Илк ўрта асрларга оид фақат 7 та сопол ҳайкалча аниқланган. Улар эркак (4 та), хўроз, кўй ва от тасвирларидан иборат. Ушбу жараённинг сабаблари Хоразмда янги этномаданий ҳолатнинг вужудга келиши билан боғланган. Шу билан бирга воҳада сув ва оловга сиғиниш ҳамда зардуштийлик дини ўз анъанавий аҳамиятини сақлаб, янги асосларда ривожланган⁴⁴. Маънавий маданият тарихида анъаналар ва янгиликлар биргаликда амал қилиб келган, ҳар қандай янгилик вақт ўтиши билан анъанага айланган. Маданият ўзгариб борсада, ўтмиш анъаналарнинг излари инсоният цивилизацияси тараққиётида сақланиб келган. Ушбу тарихий қонуният асосида қадимги Хоразм маънавий маданияти ҳам тараққий топган.

⁴¹ Воробьева М.Г. Ранние терракоты древнего Хорезма // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 135-136.; Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья (II – начало I тысячелетия до н.э.) // Тр.ХАЭЭ. – М., 1977. Т.Х. – С. 127-128.

⁴² Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры // Кочевники на границах Хорезма. Тр. ХАЭЭ. – М., 1979. Т. XI. – С. 29-38.; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996. – С. 18-21.

⁴³ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини...Б. 189-198.; Рапопорт Ю.А. К вопросу о хорезмийских статуарных оссуариях // КСИЭ. – М., 1958. Вып. XXX. – С. 54-65.; Воробьева М.Г. Хорезмские терракоты // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 185.; Вайнберг Б.И. Реконструкция верований древних хорезмийцев по археологическим материалам // Калалы-Гыр 2. Культурный центр в Древнем Хорезме IV-II вв. до н.э. – М.: ИВЛ, 2004. – С. 213-236.

⁴⁴ Неразик Е.Е. Формирование раннесредневекового общества в низовьях Амударьи. – М., 2013. – С. 120.

Биринчи бобнинг «Қадимги Хоразм мисолида амалий билимларнинг динамикаси ва ёзувнинг аҳамияти» деб номланган учинчи бандида воҳада амалий билимлар, илм-фан асослари ва ёзувнинг ривожланиши даражаси таҳлил қилинган.

Диссертацияда Хоразм воҳасида маънавий маданият, санъат, фан ва ёзувнинг яратилиши ҳамда тараққиёти дастлабки билимлар ва амалий кўникмаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг кенгайиб бориши ва ҳаётнинг турли соҳаларда қўлланилиши, ихтиролар ва технологик ютуқлар, маълум босқичда маҳаллий цивилизациянинг вужудга келиши натижаси сифатида очиб берилган.

Хоразм воҳасида астрономия, геометрия, математика каби аниқ фанлар тизимига доир билимларнинг мавжудлигини ўрганишда Беруний маълумотлари ҳамда қадимий меъморчилик ва қурилиш техникаси тадқиқ этилиши натижалари муҳим аҳамиятга эга⁴⁵.

Қадимги Хоразм Ўрта Осиёда дастлабки ёзув пайдо бўлган худудлар қаторига киради⁴⁶. Диссертацияда қадимги Хоразм ёзувининг ҳисобчилик, солиқ тизими, аҳолининг рўйхатга олиниши ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларини, шунингдек, маънавий маданият тарихини изчил ўрганишда ўта муҳимлиги таъкидланади. Ёзув ривожланиши натижасида антик давр ва илк ўрта асрларда қўлёзма матнлар вужудга келиб, адабиёт тараққий этган. Дастлаб у оғзаки ижод, ривоят ва афсоналар шаклида намоён бўлган.

Биринчи боб хулосасида Хоразм воҳасида қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданиятининг ўзгариши ва янги асосларда ривожланиши алоҳида даврларга ажратилиб, мазкур жараённинг асосий сабаблари очиб берилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Хоразмликларнинг эътиқодлари ва дунёқарашларининг археологик манбаларда акс этиши**» деб номланган. Иккинчи бобнинг биринчи қисми «*Хоразмнинг бадиий маданият обидалари тарихий гувоҳлик – манба сифатида*» деб номланиб, унда қадимий хоразмликларнинг эътиқоди ва дунёқарашини, маданий тараққиёти даражаси хилма-хил тасвирий намуналарида ифодаланганлиги очиб берилган. Бу борада сопол ва ганч ҳайкалчалар, йирик лой-ганч ҳайкалтарошлик, деворий рангли суратлар, ҳайкалли (статуар) оссуарийлар, сопол ниқоблар, сопол идишлар сиртидаги бўртма тасвирлар, оссуарийлар ва идишларнинг сиртидаги рангли тасвирларни ўрганиш муҳимдир⁴⁷.

Тадқиқотда алоҳида буюмларнинг вазибалари, қадимий жамоалар

⁴⁵ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Том. I. – Тошкент.: Фан, 1968. – Б. 280-282.; Воробьёва М.Г., Рожанская М.М. О некоторых астрономических функциях Кой-крылган-калы // Кой-крылган-кала – памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э.– IV в н.э. Тр. ХАЭЭ. – М., 1967. Т. V. – С. 251-268.; Лапиров – Скобло М.С. Анализ построения древним зодчим плана Кой-крылган-калы // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 58-65.

⁴⁶ Фрейман А.А. Хорезмский язык//Материалы и исследования. М. –Л., 1951. Вып. I. – 91 С.; Толстов С.П., Лившиц В.А. Датированные надписи на хорезмийских оссуариях с городища Ток-кала // СЭ. – М., 1964. № 2. – С. 53-55; Henning W.B. The choresmian documents // Asia Major. – London, 1965. New series. Vol. XI. – P. 168-176; Лившиц В.А. Документы Топрак-кала. Дворец // Тр. ХАЭЭ. – М., 1984. Т. XIV. – С. 256-277.

⁴⁷ Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко – археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. – С. 196-210.; Воробьёва М.Г. Терракоты, рельефы и алебастровые статуэтки // Кой-крылган-кала – памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э. – IV в н.э. Тр. ХАЭЭ. – М., 1967. Т. V. С. 173-193.

аъзоларининг бадийй маданиятга муносабати, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, тасвирий санъат ёдгорликларидан ўтмиш жараёнлари ҳақида далолат берувчи манба сифатида фойдаланиш каби масалалар кўриб чиқилган. Натижада Хоразм воҳаси бадийй маданият намуналари турли ахборотни ўз ичига олганлиги ва турлича вазифаларни бажарганлиги аниқланган.

Бадийй маданият асарлари тарихий гувоҳлик бўлиб, Хоразм воҳаси антик даври ва илк ўрта асрлар жамиятининг кундалик ҳаёти, анъанавий турмуш тарзи, хўжалиги ва маданияти даражаси, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнида таянч тарихий манбалар гуруҳини ташкил этади.

Иккинчи бобнинг иккинчи банди «*Хоразм ва зардуштийлик*» деб номланган. Бу бандда Хоразмда зардуштийлик динининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари масаласи таҳлил қилинган.

С.П.Толстов Хоразмни зардуштийлик ватани деб, XX асрнинг 40-йиллари охирларида «хоразмлик Зардушт» тушунчасини фанга тадбиқ қилган⁴⁸. Заратуштра (Зардушт) ватанини Хоразм билан боғлаш дастлаб И.Маркварт нашрида ўз аксини топиб⁴⁹, мазкур масалага тегишли С.П.Толстовнинг ёндашувига таъсир қилди.

Мил. авв. V-IV асрлар чегарасида Қуйи Амударёнинг сўл соҳил ерларида одам жасадларининг тозаланган скелет суякларини катта сопол идишлар ичига қўйиб ва кейинчалик суякларни оссуарийларда ерга кўмиш, шаҳар харобалари деворларининг ичида ўйилган токчаларга ўрнатиш ҳамда илк ўрта асрларда махсус иншоотлар – ноусларда сақлаш одати кенг тарқалиб, милодий VIII асрга қадар амалда риоя қилинган⁵⁰.

«Авесто» нинг қадимий қисми «Гота» ларга кўра, Заратуштра дашт чорвадорлар жамиятида таваллуд топиб, унинг эътиқодлари ва урф-одатлари доирасида вояга етган⁵¹. Зардуштнинг янги диний таълимоти ўз юртидаги уруғ-қабилаларнинг эски эътиқодлари одатларига зид бўлганлиги туфайли инкор этилган. Маҳаллий қоҳинлар Зардуштга қарши чиққан. Шу боис у ўз юртини тарк этишга мажбур бўлган.

Тадқиқотда Заратуштра – Зардуштнинг таълимоти илк бор ёйилган юрт муаммоси кўриб чиқилган. Мазкур худудни юнон-рим манбаларига асосланган ҳолда, қадимги Бактрия – Кави Виштасп подшолиги билан боғлаш масаласи таҳлил қилинган⁵². Янги археологик тадқиқотлар, Ўрта

⁴⁸ Толстов С.П. Древний Хорезм... С. 16-17.; ўша муаллиф. Қадимги Хоразм маданияти излаб... Б. 96.

⁴⁹ Marquart I. Eranšahr nach der Geografie des Ps. Moses Xarenaci // Abhandlungen der Gesellschaft der Wissenschaften zu Göttingen // Philologie – historie. BD. III. – Berlin, 1901. № 2. – S. 1555.

⁵⁰ Ягодин В.Н. Новые материалы по истории религии Хорезма // СЭ. – М., 1963. № 4. – С. 95-107.; Кой-Крылган-кала – памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э. – IV в. н.э. // Тр. ХАЭЭ. – М., 1967. Т. V. – С. 231-232.; Рапопорт Ю.А., Лапиров – Скобло М.С. Башнеобразные хорезмийские оссуарии (К вопросу о домусульманских мавзолеях в Средней Азии) // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 147-156.; Вайнберг Б.И. Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 122.; Мамбетуллаев М., Турманов Ж., Юсупов О. Раскопки некрополя Куюккалы // Археологические исследования в Узбекистане. 2002 г. – Ташкент, 2003. – С. 96-98.

⁵¹ Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи // Пер. с англ. И.М.Стеблин-Каменского. – М.: Наука, 1987. – С. 8-9.

⁵² Пьянков И.В. Ктесий о Зороастре // Материальная культура Таджикистана. – Душанбе, 1968. Вып 1. – С. 55-68.

Осиё жанубида (Марғиёна – Бақтрия) зардуштийлик одатларининг Хоразмга нисбатан қадимги илдизларга эга эканлигини очиб берди (В.И.Сарианиди, А.А.Асқаров, Т.Ш.Ширинов)⁵³. Юнон-рим тарихчилари қаторида ўрта асрлар муаллифлари (Фирдавсий, Беруний) ҳам Балх (Бақтрия) подшоси Гуштасп ёки Биштосф (Виштасп) Зардушт динини илк бор қабул қилгани ҳақида ёзганлар⁵⁴.

Диссертацияда таҳлил қилинган маълумотлар шундан далолат берадики, Бақтрия ва Марғиёна худудларида Зардуштга қадар бронза даврида ва кейинчалик зардуштийлик динининг асосини ташкил этган қурбонлик ва дафн маросимлари, оловга, сувга, ерга ва хаомага сиғиниш эътиқодлари кўп асрлар мобайнида маълум бўлган. Бақтрия – Марғиёнада маҳаллий аҳолининг анъанавий урф-одатлари, эътиқодлари ва диний қарашларининг кўп жиҳатларини ўзлаштириб, Зардушт ўз таълимотини бойитган, яъни янги маънавий ва ижтимоий-сиёсий шароитда Зардушт диний ислохотни амалга оширган. Натижада аниқ бир тизимли диний таълимот – қонуний зардуштийлик вужудга келган ва Бақтриядан Хоразм худудига ҳам тарқалган.

Иккинчи бобнинг учинчи банди «Қадимги ва илк ўрта асрлар эътиқодларини археологик маълумотлар асосида тиклаш муаммоси» деб номланган. Тадқиқотда Тупроққалъа (милодий III аср) ва Оқшахонқалъа (мил. авв. II-I асрлар) сарой-ибодатхоналари, Қўйқирилганқалъа (мил. авв. IV аср – милодий IV аср), Елхарос ва Катта Ойбўйирқалъа (мил. авв. V-IV асрлар), Қалъалиқир 2 ва Говур 3 (мил. авв. IV-II асрлар) ибодатхоналарининг функциялари кўриб чиқилган. Улар Хоразм миқёсида бош ибодатхоналар вазифасини бажариб, олов, ҳосилдорлик эътиқодлари ва аждодлар руҳларига сиғиниш билан боғлиқ бўлганлар⁵⁵.

